

қозоқбой йўлдош, қундузой хусанбоева, муҳайё йўлдош

КИЙИК СЎҚМОҚДАГИ ЙЎЛОВЧИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Тошкент-2014

Ушбу китобда истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуфнинг шеърияти илк бор унинг шахсияти, табиати, ота-онаси, оилавий мухити, ўзгалар билан муносабатлари фонида текширилган. Шоир қўллаган бадиий тимсоллар ҳамда шеърлари ифода йўсинидаги ўзига хосликнинг илдизлари Муҳаммад Юсуф шахсияти ва у тарбия топиб, улғайган мухитдан ажратилмаган ҳолда ўрганилган. Бунда шоирнинг яқинлари, синфдош, курсдош, мактабдош ҳамда бошқа замондошлари хотираларидан фойдаланилган. Монография замонавий ўзбек шеърияти, хусусан, Муҳаммад Юсуф ижоди билан қизиқкан филолог-мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланади.

ИЧИДАГИЛАР

СҮЗБОШИ

СОҒЛОМ ОГОЧНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

**МУҲАММАД ЮСУФ ШЕҶРИЯТИНИНГ ПОЭТИК ЙЎНАЛИШ ВА
БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Шеърдан ҳам улуғ зот тасвири
 “Ватан – юрагимнинг олампаноҳи”
 Юрак билан тиллашув
 Гўзал изтироб талқинлари

ШОИР АСАРЛАРИНИНГ МАҶНАВИЯТ ТАКОМИЛИДАГИ ЎРНИ
 Кичикликдан юксакликка
 Ўсмир маънавиятини такомиллаштиришда шоир асарларининг ўрни
 Ўспирин маънавияти қайноғи
 Олий филологик таълимда Муҳаммад Юсуф ижодини ўрганиш
 йўллари

Токи, уни севган диллар бор,
 Токи, уни унутмас диёр,
 Йил, асрлар ўтса ҳам такрор,
 Мұхаммад – бор, тирик, баҳтиёр!
 Баҳодир ИСО

СҮЗБОШИ

Ижод – ғоят сирли дунё. Шу сирли салтанатнинг эгаси ижодкорни эса ечилиши ўта қийин бўлган қўп номаълумли тенгламага менгзаш мумкин. Шунинг учун бугунга қадар ҳам ижод кечимида амал қилинадиган қонуниятлар тизими ҳеч ким томонидан белгилаб берилган эмас. Бундан кейин ҳам барча ижодкорлар бўйсуниши мумкин бўлган қонуният яратилиши даргумон. Чунки ҳар қандай қонуният такрорни, қайтарилишни, доимийлик ва давомийликни тақозо этади. Ижод эса ҳар қандай қайтариқ ва доимийликни тан олмайдиган ва ҳеч кимни такрорлаб қўймасликка интилишга қаратилган бадиий-эстетик жараёндир.

Шунинг учун ҳам бетакрор шоир Мұхаммад Юсуфнинг шахс сифатидаги ўзига хослиги, болалик даври, ўсмирилик, ўспириирилик ва ёшлиқ йилларидағи хатти-харакатлари, тутумлари, қарашлари борасидаги маълумотлар қўпчилик учун қизиқарли. Чунки ҳар қандай бадиий ижод намунаси – ижодкор шахси берган бадиий-интеллектуал маҳсулот. Маҳсулотнинг қандайлиги уни етиштирган шахсга боғлиқ. Вақти келиб машҳур шоир сифатида танилган М. Юсуфнинг болалик ва ёшлиқ йиллари қандай ўтгани ҳам қўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта. Қўлингиздаги китобда ана шу қизиқишиларни бир қадар қондиришга қаратилган уриниш натижалари акс этган саҳифалар ҳам бор.

Мұхаммад Юсуф туғилиб-ўсган, тарбия кўрган ва шахс сифатида шаклланган мухит қанақа бўлганди, у ота-онаси, яқинлари, дўсту ўртоқлари, тенгдошлари ва бошқа одамлар билан қандай муносабатда бўларди, шоир ўз шахсиятига хос хусусиятларни қандай намоён этарди сингари саволларга жавоб топиш ҳам бугунги ўқирман учун ғоят мұхим. Ушбу китобда турли илмий-адабий манбаларга таяниб ҳамда шоирнинг яқинлари, уни яхши биладиган одамларнинг хотиралари асосида ана шу саволларга асосли жавоб беришга ҳаракат қилинди.

Энг мұхими, китобда Мұхаммад Юсуф шеърияти деб аталмиш бадиий ҳодисанинг ўзига хос жихатлари нималарда намоён бўлади ва шоир асарларининг халқ орасида бу қадар кенг ёйилиб, машҳур бўлишини таъминлаган омиллар нималардан иборат эканлиги шиорнинг ўнлаб шеърларининг атрофлича таҳлили асосида кўрсатиб берилди. Шоирнинг ўзи:

Шеърият бу қадим буюк
 Сўқмоқ экан,
 Кийик сўқмоқ экан, кийик
 Сўқмоқ экан

Ёлғизман мен ҳам ахир.

Менинг опам ялпиздир,

Синглим лола қон бағир

тасвирлардаги жозибани илғаш дастлаб бир қадар қийин кечади. Шоир аслида “*Лола бағри қон синглим*” демоқчи. Бу инверсия факат қофия учун эмас, балки гап қурилишидаги бир хилликни ўзgartириш мақсадида ҳам амалга оширилган. Шоирнинг “Онамга хат” шеъридаги:

Бошимдан ўтгани кўкка ҳам аён,

Юлдузлар қиқирлаб кулар оқбадан:

Мен – зангор яйловда олис, бепоён,

Уюридан ажраб қолган қулунман

тарзидағи ёлғиз кимсасизлик акс этган дардчил сатрларнинг учинчисида шеърий синтаксис грамматик қоидаларга зид қурилган. Аслида шоир: “*Мен олис, бепоён, зангор яйловда, Уюридан ажраб қолган қулунман*” демоқчи эди, лекин шеърнинг мусиқийлиги шоирдан мисрани ҳозиргидай ташкил этишни талаб қилган. Кейин, юлдузларнинг “оқбадан” тарзида сифатланишида ҳам ўзига хослик мавжуд. Чамаси, шоир кўкнинг тиник, кечанинг ойдин экани юлдузларгода таъсир қилганини шундай ифода этган. Муҳими шундаки, Муҳаммад Юсуф шеърларидағи поэтик образлар, стилистик фигуралар устида астойдил бош қотирган ва уларнинг айни вазият ёки ҳолат тасвири учун энг мувоғифини қўллашга эришган. Бу ҳол унинг шеърларига факулодда жозиба бахш этган.

Айримлар Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари асосан қўшиқчилар туфайли машҳур бўлди дейишади. Эҳтимол, шундайдир. Лекин бизнинг назаримизда, масала бошқачароқ қўйилиши адолатдан бўларди. Аслида, М. Юсуфнинг шеърлари ўзбек қўшиқчилиги савиясини бир неча поғонага кўтарди. Шоир ўзининг қўшиқка айланган дардчил поэтик яратиқлари билан миллий қўшиқчиликдаги сунъий кўтаринкилик, яланғоч ташвиқот ёки суюқ интимликни бир қадар камайтиришга эришди. Шоирнинг ашула қилиб айтиладиган шеърлари миллий қўшиқчиликнинг маъно-мазмунини теранлаштириб, унга ўзгача нозиклик, ҳиссийлик бахш этди. Шоирнинг биргина “Дўлана” қўшигининг маълуму машҳурлиги ҳақида Ўзбекистон санъат арбоби бастакор Анор Назаров шундай дейди: “*Бу қўшиқ дунёning кўп мамлакатларида янгради. Африкаликлар концерт тугаганидан кейин изимиздан эргашиб юришиди: “Дўлана, дўлана тогда ўсган дўлана” деб. Германия, Франция, Японияда мухлислар “Дўлана” қўшигига жўр бўлиб, она тилимизда куйлашиди. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида саккиз нафар грузиялик санъаткор най билан мусиқа чалиб, “Дўлана” қўшигини ижро этишиди. Санъатнинг, шеъриятнинг миллийлик чегараларидан ўтиб, умуминсоний қадриятга айланишига Муҳаммаджоннинг ижоди ҳам мисол бўла олади*”¹.

Қўшиқчиликдан сўз қувиб чиқарилган ҳозирги кунда Муҳаммад Юсуфнинг ўрни жуда билиниб қолди. Сулаймоннинг ўлганини билиб

¹ Назаров А. Мехр колур, мухаббат колур. “ЎЗАС”. 2014 йил 4 апрел.

қолган қўшиқ ва мусиқа девлари билган номаъкулчиликларини қилишяпти. Чунки сўзи мусиқаси билан уйғунлашиб кетадиган, ўз табий оҳангি билан туғилиб, бугунги ёшларнинг руҳиятига ҳам кириб бора оладиган кучга эга қўшиқбоп шеърлар кам ёзилаётир. Қарангки, ҳозирги айrim шоирларнинг битиклари “қўшиқчи”лар орасида қанчалик кенг тарқалган бўлмасин, бу уларни ижодкор сифатида машхур қилолмаяпти. Мана шу ҳолат ҳам Муҳаммад Юсуф шеъриятининг бадиий қудратини кўрсатувчи ўзига хос далилдир.

Азиз ўқирман! Китоб билан танишиш давомида шоир ижодига танқидий ёндашилмаганини, Муҳаммад Юсуфнинг битганлари тўғрисида деярли бир оғиз ҳам танқидий фикр айтилмаганини сезгансиз, албатта. Бу шоир поэтик яратиқларининг мукаммаллиги ва мутлақо нуқсонсизлигидан эмас. Ушбу рисола шоирнинг тўйи муносабати билан дунёга келди. Тўй куни тўй эгасининг камчилигини айтиш жудаям маъқул эмасдир. Шу сабаб шоир ижодидаги эътироzbekоп ўринларга атай эътибор қилинмади. Эътиборсизлик туфайли ёхуд паришонлик оқибатида М. Юсуф шеърларида сўзларнинг нотўғри қўлланиши, гоҳида жиддий фактик хатолар ҳам учраб туришига атай диққат қаратилмади. Ҳолбуки, бундай ўринлар йўқ эмас. Чунончи, “Ватаним” шеърида:

“Ўғлим!” - десанг, осмонларга
Гирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алпомишга
Навкар бўлиб тушгайман.
Падаркүшдан пана қилиб
Улуғбегинг қучгайман,
Фичир-ғичир тишимдаги
Сўлиғимсан, Ватаним...

Кўриниб турибдики, парчада ҳалқ достонларининг маълуму машхур қаҳрамонлари бўлмиш Гўрӯғли ва Алпомишнинг масканлари алмаштириб юборилган. Алпомиш Чамбил юртда эмас, балки Бойсин юртда яшагани ҳисобга олинмаган. Шунингдек, парчанинг сўнгидаги “сўлиғимсан” сўзи ҳам от абзали бўлмиш “сувлиқ” сўзининг жуда бузиб ишлатилган кўринишидир. Буни шоирнинг Алпомишнинг қаерданлигини ёхуд сувлиқнинг нима эканини билмаганидан эмас, балки унинг паришонхотирлиги-ю, муҳаррирларнинг бепарволигидан деб изоҳлаш тўғрироқ бўлади. Негаки, шоир “Фирот минган Гўруғли” тарзида бошланадиган шеърида:

Фирот минган Гўрӯғли
Бобом қани айтинглар?
Қўнғиротлик Алпомиш
Оғам қани, айтинглар?

тарзида тўғри тасвирлайди.

Мұхаммад Юсуфнинг “Онамга” мусаддасида оқибатсиз ўғил тилидан айтилиб, ҳар банд сўнгида рефрен тарзида келган “*Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам?*” мисраси ҳам грамматик қоида, ҳам мантиқ талабига кўра “*Энди ҳам мен сенга ўғилми, онам?*” тарзида ёзилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, шоирнинг “Онажон” деб бошланадиган шеърида ҳам ҳеч қандай заруратсиз бир сўзнинг икки хил ёзилишига йўл қўйилган. Бизнингча, бу ҳам муҳаррирлар томонидан тузатилиши мумкин ва лозим бўлган хато эди:

Онажон,
Онажон,
Юрагим оғрир,
Билмадим, нимага қийнайди **мани**
Мен дехқон боласи эдим-ку ахир,
Наҳот, шунча нозик бўлса бу жоним?...

Кўринадики, “мен” сўзининг бир ўринда ўз ҳолида, иккинчи жойда “ман” шаклида ишлатилишига шеър матнида ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган. Агар олдин, яъни тўртинчи қаторда “мен” ёзилиб, кейингиси “ман” тарзида берилганда ҳам, шоир тилидаги эврилиш орқали ўзининг шаҳарликка айланиб бораётганини ифодалаяпти тарзида оқлов тўқиши мумкин эди.

Ўрни келганда айтиш керакки, Мұхаммад Юсуф асарлари нашрининг савияси мутлақо талаб даражасида эмас. Унда ўнга яқин “Мұхабbat”, бешолтита “Севги” уч-тўрттадан “Ёлғон”, “Ёлғончи”, иккитадан “Шоир”, “Райхон” сингари шеърлар бор. Шунингдек, қачондир кимнингдир айби билан йўл қўйилиб, китобдан китобга қўчиб юрган имло ва тиниш хатолари ҳам анчагина. Масалан, шоир асарларининг бир неча нашрида “Биз баҳтли бўламиз” шеъридаги “*Фақат ийгламагин: “Айбим нима деб?”*” мисралари 2007 йилги “Сайланма”да “*Фақат ийгламагин Гуноҳим не деб*” тарзида берилган. Шунга ўҳашаш ҳолат “Онажон” сўзи билан бошланадиган номсиз шеърда ҳам учрайди. Ушбу шеър 1994 йилда чоп этилган “Ёлғончи ёр” тўпламида қуйидаги кўринишда босилган:

Онажон.
Онажон,
Юрагим оғрир,
Гўё кимдир уни тиф билан тилар.
Кечалар елкамга темирдек оғир
Қўлларин **қўяру** кўзимга тикилар.
Ким у?

Кайдан билай (курсивлар бизники – муаллифлар).
Мен танимайман.

Отамнинг арвоҳи ўша зот балки...

Айни сатрлар 2007 йилда “Шарқ” нашриётида босилган “Сайланма”да қуйидагича берилган:

Онажон,
Онажон,
Юрагим оғрир,

Гүё кимдир уни тиғ билан тилар.
 Кечалар елкамга темирдек оғир
 Құлларин қүяр, құзимга тикилар.
 Ким у?
 Мен танимайман.
 Отамнинг арвоҳи ўша зот балки...

Кўринадики, кейинги нашрда “*Қайдан билай?*” тарзидаги сўроқдан иборат бутун бир гап-мисра тушиб қолган ва шеърда сакталик юзага келган. Бундан ташқари, олдинги нашрдаги “*Қўлларин қўяру қўзимга тикилар*” боғловчили мисраси кейин “*Қўлларин қўяр, қўзимга тикилар*” тарзида таҳрир қилинганд.

Бунга ўхшаган хатоликлар анчагина. Шубҳасиз, уларни тузатиш, юқоридаги ҳар хилликларни қандайдир йўсинда бир ҳолатга келтириш керак. Шунингдек, шоирнинг жуда кўп асарлари “Сайланма”ларга кирмай қолган. Албатта, буни тушуниш мумкин. Чунки “Сайланма” ўз номи билан ижодкорнинг барча асарларини қамраб ололмайди. Аммо Муҳаммад Юсуфнинг асарларини тўла ҳолида чоп этиш, сўнг битикларининг мукаммал нашрини амалга ошириш лозим. Шунингдек, маҳсус тадқиқотлар ёрдамида ҳар бир шеърнинг ёзилган йилини аниқлаш жуда муҳим. Айниқса, бир номда бир нечтадан шеъри бор шоир ижодини тадқиқ этишда бундай қилиш жуда катта аҳамият касб этади.

2014 йил 7 апрелда тугади